O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 7 январь ШАНБА
№ 2 (11.805)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хом ашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

касаначилик меҳнати амалга оширилаётган тураржойларни яшаш учун

(Давоми 2-бетда).



## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**Ўзбекистон — Германия саноатчилари ҳамкорликда барпо этган «Каолин» қўшма корхонаси Ангрен ҳавзасида кўмир билан бирга қазиб олинадиган оқгилни қайта ишлашга мўлжалланган эди. Лекин катта қизиқиш ва ишонч билан ишга туширилган бу очиқ акциядорлик жамияти ўзининг биринчи қадамлариданоқ қоқила бошлади. Қатор муаммолар сабаб бўлиб, бир маромда ишлай олмади. Оқибатда аянчли ҳолатга тушиб, қарзи 294 миллион сўмга етди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида эса деярли тўхтаб қолди.**

Қўшма корхона раҳбарияти бу ҳолатдан халос бўлиш ҳаракатига тушди. Аввало, ишни кадрларнинг ихтисоси, малакаси, муҳандислик салоҳиятига қараб жой-жойига қўйишдан бошлади. Ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз вазифасига нисбатан масъулияти оширилди, айни вақтда иш натижасидан моддий манфаатдорлиги ҳам кучайтирилди. Барча технологик жараёнда ишнинг сифати устидан доимий назорат ўрнатилди. Катта маблағ эвазига келтирилган замонавий асбоб-ускуналарга техник қаров яхшиланди.

Шундай чора-тадбирлар туфайли иккинчи ярим йилликда қайтадан ишлай бошлаган корхона маҳсулот ҳажми ва сифатини ой сайин ошириб борди. Чунончи, августда 2085 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, декабрь ойига келиб 2300 тоннага етди. Товар маҳсулоти ҳажми эса пулга чаққанда 98 миллион 116 минг сўмликдан 125 миллион 657 минг сўмга кўтарилди. Маҳсулотнинг муайян қисми қатор хорижий мамлакатлардаги буюртмачиларга жўнатилди. Эрон, Тожикистон корхонанинг асосий мижозларига айланди. Хитойликлар ҳам чет эллик буюртмачилар сафига қўшилишмоқчи. Ҳозир улар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борилляпти.

Август ойида бошланган жонланиш йил охиригача тўхтамади ва корхона қаддини деярли тиклаб олди. Зарардан тўла қутилди.

Ҳозирги вақтда корхонада уч хил каолин маҳсулотлари тайёрланмоқда. Улар асосан кулолчилик, қоғоз саноати учун мўлжалланган. Айни вақтда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилиб, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган маҳсулот турини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Бу ҳам, албатта, қўшимча даромад манбаи бўлиб қолади.

Каолинчилар 2004 йилнинг ўн бир ойида жами 442 миллион 532 минг сўмлик маҳсулот сотишган бўлса, ўтган йилнинг шу даврида бу рақам 681 миллион сўмга етди ёки 54 фоиз кўпайди.

— Қаддини ростлаб олган жамоамиз янги йилнинг дастлабки кунларидан суръатга суръат қўшиб ишламоқда, — деди корхонанинг ижрочи директори Алижон Турсуматов. — Олдинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *оператор Рамзиддин Комилов иш устида.*
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Фармон ва ижро*

## ТЕКШИРИШЛАР КАМ, САМАРА ЮҚОРИ БЎЛСИН

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг вилоят бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида барча масалаларни муҳокама қилишга шу нуқтаи назардан ёндошилди.**
**Йиғилишни вилоят ҳокими, ҳудудий комиссия раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.**

Тадбиркорлик ҳаракатини эркинлаштириш, кичик ва хусусий бизнес корхоналари, фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини барқарор ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтиришда муҳим омил бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу жараёнларни янгича мазмун ва моҳият билан бойитиб, бир томондан, назорат идоралари саъй-ҳаракатлари самарадорлигини оширмоқда, иккинчи томондан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига алоҳида эркинлик бағишламоқда.

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилишида ана шу фармон талабларини амалга ошириш, назорат ишини изчил мувофиқлаштириш вазифалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳудудий комиссияси аъзолари, назорат идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий котиблари, Зангиота тумани бўйича ҳудудий комиссия аъзолари иштирок этишди.

Таъкидландики, мазкур Фармон талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда ошкоралик, назорат идоралари фаолиятида изчиллик, тадбиркорликнинг барча қатламлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш бўйича Зангиота тумани ҳудудий комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида шу борадаги ижобий жиҳатлар кўрсатиб ўтилди. Чунончи, Фармон моҳиятини тадбиркорлар ва бошқа ижрочиларга мукаммал етказиш мақсадида олти маротаба семинар-йиғилиш, давра суҳбатлари ташкил этилган, туман газетасида бир қатор чиқишлар қилинган. Комиссиянинг ишчи гуруҳи 42 та хўжалик юритувчи субъектда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши юзасидан тушунтириш ишларини ўтказган. Ҳудудий комиссия тумандаги назорат идоралари фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб, уни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўраётир. Натижада текширишлар камайиб, уларнинг самарадорлиги ошмоқда.

Йиғилиш хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишлар самарадорлигини оширишда вилоят давлат солиқ идоралари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишига доир ахборотни тинглаб, муҳокама қилди. Назоратни амалга оширувчи ходимларни қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар билан таништириш, текширишлар қонун талаблари асосида ўтказилиши учун шахсий масъулликни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Жами текширишлар ўтган йили 24 фоизга, шу жумладан, режадан ташқари текшириш 18 фоизга камайганлиги таъкидланди. Бўстонлиқ, Тошкент, Чиноз туманлари ва Ангрен шаҳрида бу борадаги чора-тадбирлар, айниқса, изчил тус олдирилган. Умуман, солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар самарадорлиги 95 фоизга етмоқда. Фармон қабул қилинганидан кейин муддати тўлмаган 152 та микрофирма, кичик корхона, фермер хўжалиги ва бошқа хўжалик субъектлари тўртинчи чорак текширувлар режа-жадвалидан чиқарилган. Солиқчилар учун ўқув машғулотлари, тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этилаётир, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга йиғилишда текширишларни режалаштиришда муайян камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари юз берганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Солиқ, умуман, назорат идоралари раҳбарларининг эътибори текширишларни ташкил қилиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига оғишмай амал қилиниши учун шахсан масъул эканликларига жалб қилинди. Юзага келиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, назоратни амалга оширувчи ходимларни шаҳодатлаш жараёнларида ошкораликни кучайтириш лозимлиги уқдирилди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида текширишларни ташкил этиш амалиётида муайян ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, текширишларни ўтказиш ҳуқуқи бўйича шаҳодат синови ўтказилган, текширишлар 9 ойда 47 тага камайтирилган. Лекин текширишларни ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида бош бошқарма томонидан олиб борилаётган ишларга доир ахборотни тинглаб, вилоят ҳудудий комиссияси бир қатор жиддий эътирозлар билдирди. Чунончи, текширишлар режа-жадвалига киритиладиган хўжалик юритувчи субъектларни танлаш натижалари бўйича қўлланилган маъмурий жарималар тўлиқ ундирилмай қолмоқда. Текширув ташкил этиш ва ўтказиш чоғида қонунбузилиш ҳолатлари содир этилаётир. Шулар ҳисобга олиниб, йиғилишда текширувларни амалга ошириш жараёнларида бош бошқарма томонидан қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя этилиши борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Йиғилиш муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди ва вилоят ҳудудий комиссиясининг 2006 йилги иш режасини тасдиқлади.



## ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

**Ўтган даврда вилоят ҳокимлиги ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Паркент тумани марказий шифохонасига «УАЗ-469» русумли автомашина ва қишлоқ врачлик пунктларига тиббий жиҳозлар топширилган эди.**

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг илк кунларида яна бир хайрия тадбири амалга оширилди. Туман шифохонасига «ГАЗ-31» русумли «Тез ёрдам» автомашинаси ҳамда ультратовуш диагностика аппарати — «УЗД» туҳфа этилди.

***СУРАТДА:*** *бош шифокор М. Абдуллаев совғани қабул қилиб олаётган пайти.*

**З. ҲОЛИҚОВ олган сурат.**

*Муносабат*

## ЭНГ КАТТА БАХТ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги йил поёнидаги энг ҳаяжонли дақиқаларда барчамизга кўтаринки руҳ, хуш кайфият улашувчи самимий тилак ва истакларга тўла ҳароратли дил изҳори бўлиш билан бир қаторда, бизни теран мулоҳаза юритишга, атрофимиздаги ўзгаришлар, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга очиқ кўз билан қарашга, энг муҳими, хушёр ва огоҳ бўлишга чорловчи даъват бўлгани шубҳасиз. Бинобарин, тарихга мангу муҳрланган 2005 йил юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нечоғли зафарларга бой бўлмасин, халқимиз бошига турли синов, бўҳтон ва маломатлар, хуфёна зарбаларни ёғдирган, бутун курраи заминга балои офат солиб турган террор, диний экстремизм каби иллатлар айнан якунига етган йилда яна бир бор ўзининг жирканч қиёфасини намоён этди. Табрикда таассуфла қайд этилганидек, якунига етган йил биз учун осон бўлмади.

Беихтиёр, ўтган йил баҳорида Андижонда юз берган қонли воқеалар ёдга тушади. У кимга керак бўлди, эл-юрт тинчини бузиб, кўплаб бегуноҳ инсонлар қонини тўкиб, осойишта оилаларга мотам олиб кирганлар охир-оқибат нимага эришдилар? Эл-юрт нафрати, ғазаби, қарғиш ва лаънатига, энг даҳшатлиси умрбод виждон азобига дучор бўлдилар. Президентимиз ўша таҳликали дамларда такрор-такрор айтганларидек, бутун бошли халқни, миллатни, давлатни енгиб бўладими? Халқ иродаси, хоҳиш-истагига қарши чиқиш, уни танлаган йўлидан қайтариш, бировга қарам қилиш мумкинми? Яхшиямки, **«... мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятларда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик. Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик».** Бу байрам табригида янграган шунчаки сўзлар эмас, юртдошларимизнинг иродаси метин, бир тану бир жон эканлигининг яна бир эътирофи, десак хато бўлмайди.

— Ёвуз ниятли кучлар томонидан содир этилган Андижон воқеалари телевидение орқали хабар қилиниб, оддий одамлар қалби ларзага келган, баъзилар бироз саросимага тушган пайт эди, — деб эслайди Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Хўжаева. — Биз қишлоқ ва маҳаллаларимизда фаолият бошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардан беш-олти нафари билан жойларда ташкил этган мулоқот ва учрашувларимизда одамларда ўзига ва эртанги кунга ишонч, қатъият, эътиқод собитлигига яна бир карра амин бўлдим. Четда турган манфаатпарастлар, туҳматчилар қанчалар зўр бериб бўҳтонлар, ёлғон-яшиқлар тарқатишга, миллатни ичдан бузишга уринмасинлар, ҳақиқат барибир қарор топди, уларнинг ортидан ҳеч ким эргашмади. Негаки, бошимиздан кечирган қатор синовлар ҳаммамизга яхши-ёмонни, оқ ва қорани танитиб қўйган эди.

Вақтни ҳар нарсага даво, дейишади. У қачон бўлмасин, барибир эзгуликни улуғлайди, рўёбга чиқаради. **«... Йиллар, замонлар ўтади, бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди»,** дея баралла айтилди байрам табригида. Дарҳақиқат, халқимиз азалдан меҳр-мурувват, саховат, оқибатга интилиб, суяниб яшайди. Шу маънода бошланган 2006 йилнинг юртимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея эълон қилиниши барчамизни инсонларга фақат яхшиликни раво кўриш, эл-юрт манфаатлари учун фидокорона меҳнат қилиш, одамлар саломатлигини тиклаш ва олижаноб касб жонкуярларини эъзозлаш, бир сўз билан айтганда, ўзаро меҳр-оқибат, хайру саховат атрофида бирлашишга чорловчи маънавий куч бўлиши шубҳасиз.

— Юртбошимизнинг Янги йил табриги барчамизни келгусида янада фидойи бўлишга, эл-юрт хизматига камарбаста бўлиб яшашга ундайди, — дейди Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» номли вилоят меҳрибонлик уйи раҳбари, малакали шифокор Тоҳира Исмоилова. — Хусусан, ундаги мана шу жумлаларни алоҳида белгилаб олдим ва ҳар бир замондошимиз буни ўзи учун дастуриламал қилиб олишлари лозим деб ўйлайман: **«... Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади».**

Истардикки, ҳар ким мана шу долзарб ва устувор вазифалар бажарилишига ҳисса қўшса, Ватан равнақи, саодати учун ёниб яшаса, тинч ва осойишталиги учун қалқон бўлолса, ҳеч ким четда турмаса. Назаримизда, энг катта бахт шу.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

## ОМАД ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***ёки Ўзбекистон футболини бир маромда ривожлантириш ва унинг жаҳон футбол оламида ўзига мос ўрин эгаллашига тўғаноқ бўлаётган баъзи муаммолар хусусида***

Мана, икки мавсум ўтаяптики, Ўзбекистон футболи учун жаҳон чемпионатининг саралаш турнирлари кутганимиздан олдин якунланмоқда. 2002 йили шундай бўлди, 2006 йили Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати сари йўлимиз ҳам муддатидан илгари беркилди. Бу саралаш мусобақаларида миллий терма жамоамиз иштироки самарасиз бўлди.

Тўғри, саралаш турнирларида иштирок этиш жараёнларида футболчиларимиз кучли миллий жамоаларга қарши майдонга чиқиб, муайян тажриба орттирмоқдалар, муттасил чиниқиб бормоқдалар. Чунончи, Германияда келгуси йили ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик босқичларидаги мусобақаларда терма жамоамиз аввалги саралаш ўйинларидагига қараганда бир баҳя яхши ўйин кўрсатди, бир қадам олға босди.

Бироқ, бўлғуси чемпионатдан Ўзбекистон футбол мухлисларининг умидлари катта эди. Очиқ эътироф этиш керакки, бу сафар жаҳон чемпионатига йўлланма олиш учун яхши имкониятни бой бердик. Ана шуниси футбол ишқибозларига ёмон таъсир қилаяпти, гоҳ у, гоҳ бу оммавий ахборот воситаларида бўлиб ўтган воқеалар хусусидаги фикр-мулоҳазалар ҳамон билдирилмоқда.

Бу — табиий ҳол, албатта. Зеро, бу ҳолат футбол жамоалари, миллий терма жамоа фаолияти ватандошлар томонидан синчиклаб ўрганилиши, уларнинг муваффақиятидан фахрланиш туйғуси миллий фазилатга айланиб бораётганлигидан далолат беради, Ўзбекистон футболи, унинг ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига бефарқлик барҳам топаяпти. Бу — қувончли ҳол.

(Давоми 4-бетда).

**Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўтган йил ниҳоясида тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.**

## ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Натижада, ошхона, спорт, фаоллар зали, ўқув хоналари, устахоналарда талабаларнинг билим савиясини ошириш учун тегишли шарт-шароитлари яратилди. Коллеж кутубхонаси 10 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда компьютер ўрнатилган. Талабалар ўзларини қизиқтираётган фанлар бўйича билим доираларини кенгайтиришлари, бадиий китоблардан ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш учун матбуот даврий нашрларидан фойдаланишлари мумкин. Шу мақсадда 35 номдан зиёд марказий, вилоят ҳамда туман матбуот нашрларига обуна бўлинди. Булардан ташқари кутубхонада бир вақтда 40 нафар талаба фойдаланиши учун ўқув зали ишлаб турибди.

**Дилором ПЎЛАТОВА, коллеж кутубхоначиси.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.

4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда – касаначилар зиммасига, охирги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчиликда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Касаначилик тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда касаначилар билан меҳнат шартномасини тузиш, уларга ускуналар бериш ва техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, хом ашё ва материаллар тақдим этиш, касаначилар харажатларини қоплаш тартибини, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, томонларнинг ўзаро жавобгарлиги чоралари, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган имтиёзларни қўллашда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурларида 2006-2007 йилларда касаначиликни оммалаштиришга доир тадбирларни кўзда тутсин;

мазкур дастурлар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳудудлар ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама этишда ҳар бир чорак натижалари бўйича уларнинг амалга оширилишини кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январь.



# ҲАМҚИШЛОҚЛАР МАСЛАКДОШИ

**Қишлоқ ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, илиқ маънавий муҳитни барқарорлаштириш, аёллар ва ёшларни фойдали иш, амалий машғулотларга кенгроқ жалб этишда жойларда фаолият юритаётган диний маърифат ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг муносиб ўрни бор. Улар иштирокида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, уюштирилаётган учрашув ва мулоқотлар, меҳнат ярмаркалари, айниқса, самарали бўлмоқда.**

Қибрай тумани Байтқўрғон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Салимова маҳалла иши, ҳамқишлоқларининг қувонч ва ташвишлари билан ёниб яшаётган жонкуярлардан. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги кунда ҳудудда ишсиз аёллар, бекорчи ёшлар деярли йўқ. Улар орасида қонунбузарлик ва бошқа иллатлар ҳам учрамаётир.

Дилором Салимова айни вақтда маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда қишлоқда янги бичиш-тикиш цехини очиш арафасида. У фаолият бошлагач, яна 80 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланадилар.

***СУРАТДА:*** *Дилором Салимова (ўнгда) қишлоқ фаоллари билан янги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*«Ватанпарвар»*

# ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Вилоятимиз шаҳар ва туманларида «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» доирасида ёшларимизни юртга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида турли суҳбат ва учрашувлар, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда.**

Жумладан, яқинда Янгийўл шаҳар технологик-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли рисоласининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, суҳбат-учрашув ўтказилди. «Маънавият ва маърифат» маркази, Мудофаа ишлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ҳамкорликда уюштирган тадбирда коллеж талабалари иштирок этишди.

Шунингдек, шаҳар автомобиль мактабида ўтган давра суҳбатида ҳам оммавий ватанпарварлик ойлигининг мақсад ва вазифалари хусусида сўз борди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий, вилоят ҳамда Янгийўл шаҳар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва ёшлар ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳамкорлигида яратилган «Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди» номли видеофильм намойиши барчага манзур бўлди.

«Ватанпарвар» ташкилотининг Бўстонлиқ туман кенгаши ҳам савол-жавоб кечасини ўтказди. Унда ташкилот курсантлари, 3-, 20-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, Маърифат ва Марказий маҳаллаларида яшовчи чақирув ёшидаги йигитлар қатнашдилар.

**Саид ҲАСАНОВ.**

*Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

**Бугунги кунда ўсмир қизларимиз истеъдодини рағбатлантириб бориш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ўрни беқиёс ортиб, қизларимиз маънавий юксалиб, камол топишларида муҳим омил бўлмоқда. Танловнинг адабиёт йўналиши бўйича вилоят босқичида ўз бахтини синаб кўрган паркентлик Нодира Нортоева республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.**



# «...МОҲЛАРОЙИМ ҚЎЛЛАР ДОИМО»

Нодира Нортоева бошланғич синфларда ўқиб юрган кезлардаёқ адабиёт, хусусан, шеъриятга ихлоси ортиб борди.

— Ёшлигимда ижтимоий фанларга қизиқишим юқори бўлганлиги учун дарсларда фаол ўқувчилар қаторида юрардим, — ҳикоя қилади Нодира. — Бир куни ўқитувчимиз Нигора Жалолиддинова дўстлик мавзусида иншо ёзиб келишимизни топширди. Уни ҳеч қийналмай ёза бошладим-у, лекин дўстлик ҳақида шеър ҳам қўшиш кераклиги бироз ўйлантириб қўйди. Китобларни варақлаб кўриб, кўнгилга яқин шеър тополмай қийналдим. Шу пайт хаёлимга келган фикр мени тўлқинлантириб юборди: «Шеърни ўзим ёзсамчи?» — деб қоғозни қоралай бошладим. Унга «Дўстларим» деб ном бердим.

*Энг азиз, мукаррам,*
*Сирдошим асли — Онам.*
*Дилимга туташ, ҳамдам,*
*Сўнг устоз муаллимам.*

* * *

*Дўстлар бўлсак, жамулжам,*
*Яшаймиз шоду хуррам.*
*Соғинаман барчасин*
*Улар қалбим парчаси.*

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай, ўқитувчимиз қўлимга туман газетаси «Паркент тонги»ни тутқазди. Қарасам, биринчи саҳифада «Дўстларим» шеъри ҳеч бир таҳрирсиз босилиб чиқибди. Ўшанда бениҳоя хурсанд бўлганман. Бу воқеа турткі бўлдими, 2000 йилда «Ёзувчи» нашриётида «Илк мўъжиза» деб номланган шеърий тўпламим босмадан чиқди. У асосан болаликка хос ўйлар, дўстлик, табиат манзаралари ҳамда аёлларга бағишланганди. 2005 йилда эса, «Онам айтган аллалар» номли тўпламим дунё юзини кўрди.

Кейинги беш йил Нодира ижоди учун омадли келди. Жумладан, у 2001 йили навқирон ижодкорларнинг «Нафосат», 2002 йили эса, Олмаликда ўтказилган Республика «Ёш қаламкашлар» танловларининг ғолиби бўлди. Шунингдек, шу йил Жиззахда ўтказилган IX анъанавий «Зомин сабоқлари» семинар-танловида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Нодиранинг шеърларида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат мавзулари алоҳида ўрин тутади.

— Танловлар менга кўп нарсаларни ойдинлаштиришга ёрдам берди, — мамнуният билан сўзлайди Нодира. — Улар менга катта сабоқ бўлди, ижодим хусусида жиддий фикр юритиб кўрдим. Кечинмаларим таъсирида яна бир — «Жавзо инъомлари» номли шеърий тўпламни ёздим. Кўплаб таниқли шоирлар ижодини ўрганаман. Халқ шоири Маҳмуд Тоиров устоз сифатида менга ғамхўрлик кўрсатиб, қимматли маслаҳатларини аямайдилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига вилоятимиздан чиққан бу йилги номзод ҳозир тумандаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфида ўқийди. Ёш ижодкор ҳамиша замон билан, одамлар руҳияти билан ҳамнафас, шу йўлда тинмай изланиб, ҳаётга интилиб яшайди. Шоирликка даъвогар ҳар бир киши шеър умрини қисқартирувчи омиллардан қочиши, шеърларда сунъийлик эмас, аксинча, табиийлик ўз аксини топиши лозим, деган фикрни илгари суради.

*Шоирман, шоирликка қилмайман даъво,*
*Моҳларойим бу йўлда қўллар доимо.*
*Ҳар битта сатримда яшар бир илинж —*
*Ватаним осмони бўлаверсин тинч.*

дея кўнгли тубидаги сўзларни шеър орқали ифода этади у.

Истеъдодли ёш қаламкаш Нодира Нортоеванинг адабиёт соҳасидаги ижод намуналарида фикр доирасининг кенглиги, бадиий-ғоявий, эстетик жиҳатдан изланувчанлиги, шунингдек, олижаноб инсоний фазилатлари, жамоат ишларидаги фаоллиги юқори баҳоланиб, юксак мукофот учун танловнинг республика босқичида иштирок этишига йўл очди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *истеъдодли қаламкаш — Нодира Нортоева.*

*Партиялар ҳаёти*

# ИНСОН МАНФАТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан барча шаҳар ва туманларда «Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» мавзуида туркум тадбирлар ўтказилмоқда.**

Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган партия сайёр мажлиси давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, республика, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари, вилоят, шаҳар-туман кенгашларига партиядан сайланган фаоллар — тадбиркорлар, фермерлар ва тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад партия юқори ва қуйи тузилмалари ўртасидаги боғлиқликни янада мустаҳкамлаш, кенг аҳоли қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, жойлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда партия тузилмалари таъсирини оширишдан иборатдир.

Шу юртда яшайдиган, динидан, ирқидан қатъи назар ҳар бир инсон Ватанга меҳр туймоғи, ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаслиги лозим. Ўз фикри, дунёқарашига эга, ўз келажагига қатъий ишонган халқгина буюк мақсадларга эриша олади. Ватанимиздаги ислоҳотлар эса ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг манфаатларини таъминлаш учундир.

**Раъно ҲОЛИҚОВА.**

# ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

**«Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси таркибида 25 та автокорхона бўлиб, уларнинг олтитаси очиқ турдаги акциядорлик, 17 таси масъулияти чекланган жамият ҳамда 2 таси унитар корхона ҳисобланади.**

Хусусийлаштириш бўйича Давлат дастури талаблари асосида ушбу корхоналарнинг устав жамғармаларидаги давлат улушлари сотиб бўлинди. Натижада уларнинг ҳуқуқий-таркибий тузилишлари ўзгариб, шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда йўловчи ва юк ташимоқда.

Бугунги кунда жами 207 та йўналиш бўлиб, уларнинг умумий ҳаракатланиш масофаси 17,5 минг километрга тенг. 5 та автобошбекат, 11 та автошохбекат ва 13 та чипта сотиш шохобчалари ишлаб турибди.

— Ҳозирги кунда уюшмамиз таркибида 833 та автобус ҳамда 887 та юк транспорти бор, — деди уюшма бошлиғи Муҳаммадали Каримов. — Йўловчи ташиш автокорхоналарининг ҳаракатланувчи таркибини янгилаш мақсадида Жаҳон Тараққиёт Банки ажратган кредит ҳисобидан 2005 йилда 50 та янги «ПАЗ-32054-03» русумли автобус лизинг асосида келтирилди. Капитал банкнинг кредити эвазига эса куз мавсумида 27 та «ПАЗ-32054» русумидаги карбюраторли автобуслар харид қилинди. Ўз ўрнида улар газ ёқилғисида ишлаши учун жиҳозланди.

Харид қилинган автобуслар ҳисобига Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида ва Янгийўл, Оққўрғон, Қибрай туманларида истиқомат қилувчи аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Корхоналардаги мавжуд транспорт воситаларининг эскирганлигига қарамай, уларнинг соз ҳолатда бўлишига катта аҳамият берилаётир. Бу ишлар учун дастур ишлаб чиқилган бўлиб, олинган даромадларнинг 12 фоиздан кам бўлмаган қисми автошина, аккумулятор ва бошқа зарурий эҳтиёт қисмларни сотиб олишга йўналтирилади. Маблағларнинг кўрсатилган мақсадларга тўғри сарфланиши техник тайёргарлик ва саройдан фойдаланиш коэффициентининг ошишига, даромадларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Масалан, 2004 йилдагига нисбатан ҳаракатланувчи таркиб ўрта ҳисобда 9,4 фоизга қисқартирилган бўлса ҳам фойда 3,7 фоиз кўпайди.

Уюшма автокорхоналари вилоятимизнинг ғалла ва пахта йиғим-терими мавсумида ҳам фаол иштирок этиб келди. Бу йил уларнинг кучи билан ғалла ҳосилининг 70 фоизи дон қабул қилиш корхоналарига ташиб берилди. Пахта йиғим-теримида эса ҳосилнинг асосий қисмини ташиш айнан ушбу автокорхоналар зиммасига юклатилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда «ЭКО-мактаб» экология ресурс маркази ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида қишки экологик мактаб ташкил этиш бўйича ўтказилган танлов якунлари эълон қилинди.**

# ҚИШКИ ТАЪТИЛ – «СЕМУРҒ»ДА ЎТАДИ

Якуний натижаларга кўра, ғолибликни қўлга киритган етти нафар вилоятимиз вакиллари бошқа ғолиблар қатори Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» оромгоҳида қишки таътилни мароқли ўтказадилар.

**Мўмин ИБОДОВ.**

*Ҳомийлар ва шифокорлар йили*



***СУРАТДА:*** *ёлғиз қарияларга совға-саломлар топшириш пайтидан лавҳа.*

# ОЛТИ ЮЗДАН ЗИЁД ОИЛАГА

**Бўстонлиқ туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўтказиладиган тадбирларда асосий эътибор кам таъминланган, ногирон, ота-онаси йўқ ёшлар, боқувчисини йўқотган қариялар, беморларни руҳан қўллаб-қувватлаш, моддий ёрдам кўрсатишга қаратилмоқда.**

Шу жумладан, туман ҳокимлиги томонидан уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор жамғармалар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, шифокорлар ва ҳомийлардан таркиб топган «Саховат экспедицияси» ташкил этилди.Мазкур экспедиция томонидан янги йил арафасида ҳудуддаги 600 дан зиёд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ота-онаси йўқ ёшларга шаҳар марказий майдонида «Президент арчаси» тадбири ўтказилиб, 150 нафардан зиёд болалар учун байрам дастурхони ёзилди ва ота-онаси йўқ болаларга Президент совғалари топширилди.

**Шакар ШОМАНСУРОВА.**

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## ИРРИГАТОРЛАРГА ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

«Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмасининг хабарига кўра Россиянинг «Донецк экскаватори» корхонаси 2006 йилда мамлакатимизда мелиорация ва ирригация техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақида шартнома имзолади.

Шартномага кўра, россиялик инвесторлар жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу уюшманинг техникасини тўлиқ текширишдан ўтказишади. Шунингдек, 100 минг доллар миқдоридаги эҳтиёт қисмларнинг дастлабки тўпламини келтириш режалаштирилган.

**«Туркистон-пресс».**

## ЯНА БИР КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

**Ўтган йили Хитой тараққиёт банки вице-президенти Ван И бошчилигидаги делегация Тошкентга ташриф буюриб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг банклараро ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилган эди.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Хитой тараққиёт банки вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Миллий банкка кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Хитой тараққиёт банкининг 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу линия бўйича кредитлаш муддати 9 йил бўлиб, 2 йил имтиёзли даврни ташкил этади.

**Жиззах вилоятининг барча туманларида телефон алоқасининг янги тизими - рақамли алоқа тармоғи иш бошлайди.**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Ўзбекистон-Япония-Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик асосидаги лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилиши билан вилоят аҳолиси замонавий алоқа хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Хитойнинг "Эксимбанк"и маблағи ҳисобига "Хуавей Технaward" компаниясининг мутахассислари ҳамкорлигида барча туманларнинг телефон станцияларига алоқа ускуналари монтаж қилиб бўлинди.

Шуниси қувончлики, 12 минг абонентга мўлжалланган алоқа станциялари шиша толали узатиш кабелларига уланиши билан туманлардаги телефон сўзлашуви, факс, электрон почта хизматлари сифати ҳам тубдан яхшиланади.

## ЭЛЧИХОНАДА «ЯНГИ ЙИЛ» АРЧАСИ

**Белорусиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида белорусь диаспораси болалари ҳамда Тошкентдаги 21-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари учун «Янги йил арчаси» байрами ўтказилди.**

Унда Белорусиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Демчук ва унинг рафиқаси Алла Демчуклар иштирок этди. Элчи болаларни табриклар экан, ям-яшил «ўрмон маликаси» — Янги йил арчаси атрофидаги болаларнинг қувноқ кулгулари, шодон қўшиқлари барчанинг қалбини қувонч ва сурурга тўлдиришини эътироф этди. Болалар байрамона тузалган стол атрофида ўтириб, Қорбобо билан Қорқизнинг Янги йил совғаларини олишди.

**«Туркистон-пресс».**

# ТАБИАТ ВА РАССОМ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Табиат ва рассом" кўргазмаси ўтказилмоқда.**

Мана бир неча йилдирки, мазкур кўргазма анъанавий бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, чунки Ватанимизнинг бетакрор табиати ҳар доим рассомлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. 400 га яқин асар намойиш этилаётган кўргазмани Ўзбекистон мўйқалам усталарининг 2005 йил учун ўзига хос ижодий ҳисоботи дейиш мумкин.

Бу ерда турли жанрларда яратилган асарларни кўриш мумкин. М.Тошмуродов, Б.Бобоев, А.Мирсоатов, Н.Худоймуродов, Я.Салпинкиди ва бошқаларнинг асарларидаги бепоён далалар, кўм-кўк осмон, зилол сувлар, осмонўпар тоғлар акс эттирилган. Бу манзаралар кўзни қувонтиради ва она табиатни асраб-авайлашга чақиради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Республика дизайн коллежида очилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар халқ эртаклари мавзуларидаги болалар суратларининг халқаро кўргазмаси «Болалар эртакларни чизишганда», деб номланди. Тадбир Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилди.**

## ЭРТАКЛАР БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

Мазкур кўргазмани ташкил этиш ғояси туғилишининг тарихи ўзига хосдир. Болажонларга халқ эртаклари қаҳрамонлари ва манзараларини тасвирлаб бериш таклиф қилинган эди. Бундай синовдан кўзланган мақсад сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилаётган ШҲТга аъзо мамлакатлар болалари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш эди. Кўргазманинг «Эртаклар орқали бир-биримизни танийміз», деган шиори ҳам шундан келиб чиқди. Ғоя жуда катта иштиёқ билан қарши олинди: Қозоғистон, Хитой, Россия ва Ўзбекистондан бир неча ўн минглаб расм келиб тушди. Шундан сўнг ШҲТ Котибияти энг яхши расмларни саралаш ва улардан махсус кўргазма ташкил этишга қарор қилди. Унинг илк намойиши 2005 йил май ойида Пекинда бўлиб ўтди.

Тошкентдаги болалар расмлари кўргазмаси ШҲТ ташкил этилганининг беш йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирларнинг биринчисидир. Навбатдаги кўргазмани Москвада ташкил этиш режалаштирилмоқда. Июнь ойида эса кўргазма Пекинда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити давомида ўтказилади.

**«Жаҳон» АА.**

### *Ёдда қолган лаҳзалар*

## ИККИ ИМЗО ТАРИХИ



2000 йил эди. Дўрмондаги ёзувчилар боғида Наврўз байрамига бағишланган катта тадбир ўтказилди. Унда ижодкорлардан бир гуруҳи ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Тадбир сўнгида мушоира бошланиб, республикамизнинг кўзга кўринган шоир ва ёзувчилари навбатма-навбат сўз олиб, ўз асарларидан намуналар ўқишди.

Орадан вақт ўтиб, сирдарёлик шоир дўстим Анвар Тоғаев билан аъзолик билетини олиш учун уюшмага келдик. Абдулла ака муҳим бир йиғилишда бўлганлиги учун аъзолик гувоҳномасини уюшма раисининг биринчи ўринбосари, раҳматли Йўлдош Сулаймон топширадиган бўлди. Ўз хонасига таклиф этиб, ижодий муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг гувоҳномаларга ўз имзоларини қўйиб, бизларга топширдилар. Хурсанд бўлиб, шоир дўстим иккаламиз кўчага чиққач, гувоҳномани очиб кўрсак, Йўлдош ака ўз имзоларини «шахсий имзо» деган жойга қўйибдилар. Орқага қайтмоқчи бўлдигу, лекин Йўлдош акадан эсдалик бўлиб қолади, деган ниятда бу фикрдан қайтдик. Бу орада Йўлдош ака оламдан ўтиб кетдилар. У кишининг самимий чеҳралари ва меҳрибонлиги ҳамон кўз олдимдан кетмайди.

2005 йилда Ёзувчилар уюшмасининг кўчма йиғилиши Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз ижодкорларидан бир гуруҳи уюшма аъзолигига қабул қилинди. Устоз Абдулла Орипов бошчилигида катта мушоира ўтказилди. Пайтдан фойдаланиб, аъзолик гувоҳномасига Абдулла аканинг имзосини ҳам қўйдириб олдим. Шундай қилиб, менинг ёзувчилар уюшмаси аъзолиги гувоҳномамда адабиётимизнинг икки улуғ намояндаси — Абдулла Орипов ва Йўлдош Сулаймоннинг имзоси пайдо бўлди.

## МАЪНАВИЯТГА ФИДОЙИЛАР КЕРАК



Машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг бир укалари Тўйтепада яшайди. Исми — Алижон. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Маликка тоға. Тоҳир ака шу томонларга бирон иш билан ёки учрашувларга келса, албатта, тоғасини ва унинг оиласини зиёрат қилиб ўтади. Тумандаги бир неча учрашувларга Тоҳир акани таклиф қилар эканмиз, қачон, қаерга машина жўнатишни сўрар эдим. «Ўзим етиб бораман», деган бир оғиз гап билан жавоб бериб қўя қоларди.

Бир гал астойдил хафа бўлдим:

— Тоҳир ака, сиз ахир машҳур ёзувчисиз, «Шайтанат»ни ўқимаган одам қолмади. Шундай одам яёв юрса ёки автобусда келса...

У киши бироз ўйланиб турди-да, елкамга қўлини қўйиб, деди:

— Энди, шоир, билмасангиз билиб қўйинг, шу биззи машҳур қилган «Шайтанат»ни яёв юриб ёзганмиз. Яёв юриб одамлардан гап ўғирлайман.

Бу гапга ҳам анча бўлди. Аммо, яқинда бир ташкилот раҳбари қўнғироқ қилиб, ишчилар билан «фалончи» ёзувчининг учрашувини ўтказиб берсангиз, деб қолди. Рози бўлдим. Дарров ёзувчи билан боғланиб, учрашув масаласини келишиб олдик. У битта шарт қўйди:

— Йўл узоқ, ука, бир машина олиб кетиб, олиб келиб қўйса, бораман, — деди.

Мен унга Тошкентдан ҳар 15 минутда битта такси-машина биз томонга келишини, марказда ўзим кутиб олишимни айтдим. Йўқ, кўнмади. Хуллас, аксига олиб, ўша куни машина боролмади, учрашув бўлмади...

Бугунги кунда ҳамма соҳанинг ўз фидойилари бўлиши керак. Шу жумладан, маънавиятнинг фидойилари замонага жуда керак. Фидойилик эса ёзган асарларингизни ўқиётган китобхонларга ҳурматдан бошланади.

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

# ОМАД ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Маълумки, биз ўн беш йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарликни бошлаб юборганимиз миллий мустақилликка эришилганидан кейин Президентимиз, ҳукуматимиз Ўзбекистон футболини ривожлантиришга эътиборни кескин кучайтирди, бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу асосда муҳим дастурлар ишлаб чиқилиб, собитқадамлик билан амалга ошириляпти.

Афсуски, бу жараёнда қовушмайдиган, унга тўғаноқ бўлиб, Ўзбекистон футболи жаҳон ва халқаро ўйинларда ўз салоҳиятини намоён этишига тўсқинлик қилаётган хатолар, камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Булар хусусида жамоатчилик, ОАВ томонидан жўяли фикрлар ҳам билдирилмоқда.

Лекин, футболимиз мутасаддилари барча босқичларда бу камчилик ва муаммоларни эътироф этиб, уларни йил сайин, собитқадамлик билан бартараф қилиш ўрнига, ҳамон ўзларини оқлашга ҳаракат қилиб, ўзбек футболи мустақил, бир маромда ривожланиб боришига халақит бераётган ҳолатларни хаспўшлашга уриниб келмоқдалар. Содир бўлаётган муваффақиятсизликлардан тегишли хулосалар чиқариб олмаётирлар.

Ҳолбуки, жаҳон футбол майдонларидаги омадсизликларимизнинг асл сабабларини ўзимиздан қидиришимиз, шу жумладан, ФИФАга асоссиз, нотўғри талаблар қўйиб, мурожаатномалар йўллашга асло уринмаслигимиз керак. Шу боис, яна таъкидлайман, барча омадсизликларнинг илдизларини ўзимиздан қидирайлик, танқидлардан тўғри хулосалар чиқарайлик, камчиликларимизни бартараф этиб, чинакамига ишлайлик. Жаҳон футбол майдонларида муваффақиятга эришиш учун ички мусобақаларимиз, чемпионатларимизда авж олган сохтакорликлар, қалбакичиликлар, келишувчиликлар сингари иллатларга қарши курашайлик. Футболчиларга, мутахассислар ва ташкилотчиларга эътиборни ҳам, талабларни ҳам оширишимиз, бунинг учун уларга яхши шароитларни яратиб беришимиз керак.

Миллий чемпионатимиз — олий, биринчи ва иккинчи табақалар жамоалари билан

(Давоми. Боши 1-бетда).

олиб бориладиган ишларимизни тубдан яхшиламоғимиз зарур. Уларга эътиборни оширадиган, клублар ҳолатини, улардаги имкониятлар даражасини юқори савияга кўтарадиган вақт етиб келди. Шу билан бирга катта ўзбек футболининг пойдеворини мустаҳкамлаш керак. Тўғри, Ўзбекистонда болалар футболини ривожлантиришга эътибор кучли. Лекин баъзи жойларда бу эътибордан унумли фойдаланиш ўрнига кампаниячиликка берилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Айтайлик, мутасадди ташкилотлар маҳаллалараро мусобақалар ўтказишга қарор қилса, бирданига югур-югур бошланади, ёш футболчиларни «тортқилаш» авж олади. Маҳалла оқсоқоллари қандай бўлмасин «ўз болалари» ғалаба қозониши учун куйди-пишдилик қилиб қолишади.

Мусобақалар тугаши билан ҳаммаси эски ҳолатга тушади, ўйинчилар унутилади, улар машқларни вақтида ўтказишлари, маҳоратларини ошириб боришлари хусусида ҳеч ким ўйламайди, футбол майдонларини ўт босиб ётади. Ҳолбуки, биз қишлоқ футбол жамоалари, футбол мактаблари, интернат ва лицейлардаги шарт-шароитларни яхшилаб боришимиз, ёш футболчиларни поғонама-поғона тарбиялашимиз лозим.

Яна бир муҳим масала борки, уни ҳамиша диққат марказида тутишимиз лозим. Акс ҳолда унга эътиборсизлик футбол майдонларида муваффақиятсизликларимизга сабаб бўлиб қолаверади. Мен бу ўринда барча ўйинларда футболчиларимизга тиббий хизмат кўрсатишни назарда тутаяпман. Уларни кўрикдан ўтказиш, даволаш, баъзи нохуш ҳолатларнинг олдини олиш юқори савияда ташкил этилмоғи керак. Бунинг учун жойларда тиббий хизмат хоналарини жиҳозлаш тақозо этилади. Ёшларнинг, ҳаваскор бўладими, профессионал футболчи бўладими, уларнинг соғлиқлари муттасил назоратда бўлиши, керагида зарур даволаш-профилактика ишлари олиб борилиши лозим.

Табиийки, бу ишларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлмайди. Улар юзасидан мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши, мўлжалланган ҳар қандай тадбир молиявий асосланиши керак. Акс ҳолда қанчалик ўринли, оқилона, истиқболли бўлмасин, режаларимиз қоғозда қолиб кетаверади, ваъдалардан нарига ўта олмаймиз.

Биз ишни мана шундай фикр-мулоҳазалар, мақсадли дастурларга асосланиб йўлга қўймас эканмиз, Ўзбекистон футболини ривожлантириш, жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиш борасидаги мақсадларимиз орзулигича қолаверади.

Ўзбек футболи теварагида ОАВда билдирилаётган танқидий фикрларда ҳам бирёқламалик йўқ эмас. Улар асосан футбол атрофидаги, ташқарисидаги фикрлардир. Ҳали ҳеч бир оммавий ахборот воситаси футболимиз ичидаги хато, камчилик, ҳатто, суистеъмолчилик ва кўзбўямачиликларни очиқчасига ёритишга киришгани йўқ. Спортни ёритувчи журналистларимиз муаммоларни «ичкари»дан эмас, майдонлардаги ҳолатлардан, ён-атрофдан қидиришади. Кўпроқ қоғозларга, расмий гап-сўзларга ишонишади. Бу эса, табиийки, юзакичиликка олиб келади. Футбол жамоаларимиздаги нуқсонлар эса, илдиз отаверади. Расмиятчилик, инсонларга эътиборсизликдан эса, футбол мухлислари, қолаверса, футболчилар жабр кўрмоқда.

Бизда ҳурматли, тажрибали футбол мутахассислари кўп. Лекин бизга ҳақиқий профессионал мутахассислар керак. Шундайларгина халқаро мусобақаларда муваффақиятларга эришишимиз учун жон куйдириб, ишни билимдонлик билан, халқаро андозалар асосида ташкил эта олади.

Айни пайтда футбол шифокорларига эътиборни ошириб, уларнинг масъулиятини кучайтириш керак. Улар учун малака ошириш курслари, семинарлар, тажриба алмашув, учрашувларни ташкил этиш фақат фойда келтиради, умумий ишни яхшилашга хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, ўзбек футболи сўнгги йилларда қувончли натижаларга эришди. Ғалабаларимиз тарихда қолди. Лекин бу билан кифояланмаслигимиз керак. Футболчиларимиз, футболимизни муттасил «формада» сақлаш орқалигина жаҳон майдонларида Ўзбекистоннинг номи ҳамиша тилга олинишини таъминлай оламиз. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун изланиш, муносабатимиз ва иш услубимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Бу — бизнинг фуқаролик, ватанпарварлик бурчимиз.

**Мирзабурхон ДЎСТМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси «Металлург» футбол клубининг шифокори.**

### *Бекажон*



## Беҳи дўлма

Беҳили дўлмани тайёрлаш учун кетадиган масаллиқлар: 10 дона беҳи; 400 гр. гўшт; 50 гр. гуруч; 1 бош пиёз; 1 дона тухум; туз ва таъбга кўра мурч.

**Тайёрланиши:**

беҳининг ўртасини ўйиб, уруғини олиб ташлайсиз. Тайёрланган беҳи "коса"чаларини иссиқ сувга солиб қўясиз.

Гўшт қиймасига пиёз, хом тухум, гуруч, туз, мурч солиб аралаштирасиз. Сўнг беҳи ичига қийма тўлдириб, манти қасқонда буғлаб пиширасиз. Пиширилиш муддати 45-50 дақиқа.

**«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 10 январь куни чиқади.**

Шайхонтоҳур туманидаги 82-мактаб томонидан 1993 йилда Сулаймонова Феруза Камильджановна номига берилган ВУ 043192 рақамли 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туман ҳокимлиги томонидан 1994 йил 5 сентябрда Республика «Маънавият ва маърифат» марказига берилган 175 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги «Diyora Begim» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги «AZIYA-KADASTR-SERVIS» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос. ордер № 11-01/6799, выданный 16.05.1994 года на имя Вахрушевой Клары Ивановны на право собственности на квартиру,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом ВС № 076917, выданный ХПСК в 1998 году на имя Хайдаровой Розы Уразбаевны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

### *Жиноятга жазо муқаррар*



# СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ

2004 йилнинг 11-15 май кунлари Олмалиқ шаҳридаги компьютер клубларининг бирида, сўнг бир хонадонда мудҳиш қотиллик рўй берганди. Ўшанда бу қадар ваҳшиёна қотилликнинг фош этилишига, тўғриси, кўпчилик ишонмаган эди. Республика, вилоят, шаҳар прокуратуралари назоратига олинган ушбу жиноят орадан бир йил ўтиб, тўла очилди.

Биз ушбу жиноят иши юзасидан Олмалиқ шаҳар прокурорининг ўринбосари Маъруф Носиров билан суҳбатлашдик.

**— Ёдингизда бўлса, 2004 йил май ойида содир бўлган қотилликлар тўлиқ фош этилармикан, дея савол берганимда сиз ишонч билан, «албатта, бунга билимимиз ҳам, кучимиз ҳам етади», дегандингиз...**

— Ҳа, ёдимда. Ўшанда шаҳарда шов-шувга сабаб бўлган қотиллик зудлик билан республика, вилоят прокуратуралари назоратига олинганди. Ҳамкорликда фош этишга қаратилган тезкор тергов ҳаракатлари олиб борилди. Муқаддам судланганлар, гиёҳфурушлар, носоғлом оилалар синчиклаб текширилди. Нафақат вилоятда, балки, бутун республикадаги айнан ўша қотилликка ўхшаш жиноятлар ўрганилди.

2004 йилнинг январида Оҳангарон туманининг Ғаллақудуқ қўрғонида яшовчи фуқаро Когайнинг уйига кирган номаълум шахслар томонидан унинг хотини ва қизининг қўл-оёғи боғланиб, катта миқдорда — 8 миллион 375 минг сўм пул, мол-мулк ўғирлаб кетилганлиги диққатимизни тортди. Бу жиноят Игорь Хан, Александр Сим, Эмил Шабанов, Вадим Попов ва оҳангаронлик тадбиркор Вячеслав Ким томонидан амалга оширилганлиги аниқланди ва улар тезда қўлга олинди.

**— Нега айнан улардан шубҳаланилди?**

— Ўтган бир йил давомидаги тезкор тергов жараёнида жуда кўп очилмаган жиноятлар ўрганилди. Тажрибага кўра, жиноятни амалга ошириш услуби ўхшаш бўлади. Компьютер клубидаги қотилликлар Игорь Хан бошчилигидаги жиноий гуруҳ аввал амалга оширган жиноятларга ўхшаб кетарди.

**— Жиноятчилар айбларига тўла иқрор бўлдиларми? Умуман, калаванинг учи қандай топилди?**

— Аслида пасткаш, ёвуз кишиларгина қотилликдек ўта оғир жиноятга қўл уради. Бундайлар қилмишини осонликча бўйнига олмайди, албатта. Ишни ўрганиш жараёнида бу жиноий гуруҳ содир этган яна бир жиноят очилди. Улар Оҳангаронда истиқомат қилувчи фуқаро Крименконинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, 8 миллион 703 минг сўмдан ошиқроқ пулни ўмариб кетишган. Уларнинг қотилликка алоқадор эканэмаслиги синчиклаб ўрганилди. Натижада, 2004 йилдаги қотиллик пайтида жасад атрофида унутиб қолдирилган буюмлар орасидаги қора ниқоб биологик таҳлиллардан сўнг, Эмил Шабановга тегишли экани аниқланди. Калаванинг учи мана шу ерда топилди.

**— 12 май куни икки гўдаги ва хотинини ўлдириб, сўнг ўз жонига қасд қилган Ҳамид Сатторовнинг 11 майдаги жиноятга қандай алоқаси бор? Нима учун бу қабоҳат юз берди?**

— Афсуски, Ҳамид Сатторов ҳам Игорь Хан бошчилигидаги жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган. Айнан у Сергей Криворотов билан таниш бўлган ва унинг компьютер клубига қатнаб турган. Сергейда анча-мунча пул ва гиёҳванд моддалар борлигини Игорь Ханга етказган ҳам Ҳамид бўлган. Унинг ҳамроҳлигида кечаси компьютер клубига бостириб киришади ва беш кишини ваҳшийларча ўлдиришади. Улар орасида Юлия исмли қиз бола ҳам бор эди...

Қотиллар Сергейнинг ёнидан 50 минг сўм, 3310 рақамли «Нокия» уяли телефонинигина оладилар, холос. Аммо жиноятчиларнинг айтишларича, компьютер процессорининг ичидан 300 грамм героин гиёҳвандлик моддасини ҳам олишган.

**— Ҳамид ҳақидаги саволимга аниқлик киритсангиз. Нима учун Ҳамид норасида болаларини, хотинини, сўнг ўзини ўлдирди?**

— Бизда жиноятчилар билан бўлган суҳбатлардан сўнг ўлим тафсилотлари ўрганилгач, тахминий хулосаларгина пайдо бўлди: жиноятчиларни Сергейда катта пул ва гиёҳванд модда бор, деб олиб борган Ҳамид эди. Лекин ундай бўлиб чиқмади. Қотиллик рўй берди. Улар Ҳамидни унинг оиласини ҳам тинч қўймаслиги мумкин эди. Шунинг учун бу ишни ўзи бажарган бўлиши мумкин.

**— Мазкур жиноятнинг юқорида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилганлиги қандай далиллар билан тасдиқланди?**

— Жиноятчилар қўлга олингач, улар томонидан берилган кўргазмалар, гумонланувчиларнинг воқеа жойидаги кўрсатмалари мукаммал текширилди. Жиноят иши бўйича тайинланган биологик ДНК текширувларининг хулосалари, далилий ашё сифатида олинган «Нокия» уяли телефони ва бошқа ҳужжатларга асосан жиноят ишининг тергови тугатилди. Жиноятчилар содир этган — ўзганинг мулкини талон-торож қилиш, зўрлик билан номусга тегиш, гиёҳванд моддаларни кўп миқдорда истеъмол қилиш, муомалага қўйиш каби жиноятлари учун суд ҳукмига кўра Игорь Ханга — олий жазо, Александр Симга — олий жазо, Вадим Поповга — олий жазо, Эмил Шабановга — 20 йил, Вячеслав Кимга — 12 йил озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланди.

Ҳа, қилмиш-қидирмиш, дейишади. Мудҳиш жиноят ишлари тўла очилди, ҳақиқат қарор топиб, адолатли қонун ўз сўзини айтди.

**Ойсара ДАДАЕВА.**

## БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

*Ишдан олинган Афанди тажанг бўлиб ўтирган эди, хотини пул берди:*

*— Боринг, улфатларингиз билан отамлашиб келинг.*

*— Бегона одамдан ақча олмайман, — деди Афанди бош кўтармай.*

*— Мен бегонамас, қонуний хотинингизман-ку, олаверинг.*

*Афанди пулни олди-да, зарда билан сўради:*

*— Номерини ёзиб олмаганмисан?*

*Хотини кулиб юборди:*

*— Сутдан оғзи куйган, қатиқни пуфлаб ичармиш, қўрқмай ишлатаверинг.*

* * *

*— Йўл бўлсин, Сафарали?*

*— Қорунбойнинг кенжаси ўн сўмлик тангани ютиб юборибди, кўнгил сўраб чиқай...*

*— Қорунбойнинг ўзи шеригининг миллион сўмини бермай, ҳазм қилиб юборган, кенжатойига бало ҳам урмайди, — деб кулди Афанди.*

«O`zekspomarkaz» МКК ОАJга тегишли 7-124/03 реестрдан ўтган бино кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Ногиронлар жамияти номига банкдан нақд пул олиш учун 2002 йилда берилган 0019126-0019150 рақамли чеклар йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 12342. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 6